



BARQAROR IQTISODIY RIVOJLANISHDA YAшил IQTISODIYETNING ЎRNI VA AХAMIYATI

Худойбердиева Дилафруз

“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ

ORCID: 0009-0001-7313-3424

afruz88.88@mail.ru

Аннотация. Ушбу мақолада бугунги глобаллашув жараёнларида дунё аҳолисига хавф солаётган хатарлар, ишлаб чиқариш жараёнлари тобора ривожланаётган бир пайтда яшил иқтисодиётнинг ўрни ва аҳамияти, яшил иқтисодиёт соҳасининг иқтисодиётга тадбиқ этилиши, халқаро тажрибада яшил иқтисодиётни молиялаштириш ва ундан самарали фойдаланиш мақсадида бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Яшил иқтисодиёт, яшил қурилиш, атроф-муҳит, иқтисодий мувозанати, хориж тажрибаси, трансформация, ESG тушунчаси, ESG тамойиллари, иссиқхона газлари, сув ресурслари, электр энергия самарадорлиги, фотоэлектр станциялари.

РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ЗЕЛЕННОЙ ЭКОНОМИКИ В УСТОЙЧИВОМ ЭКОНОМИЧЕСКОМ РАЗВИТИИ

Худойбердиева Дилафруз

АО «Навоийский горно-металлургический комбинат»

Аннотация. В статье анализируются риски, угрожающие населению мира в современных процессах глобализации, роль и значение зеленой экономики в условиях постоянного развития производственных процессов, внедрение сектора зеленой экономики в экономику, а также меры, принятые для финансирования и эффективного использования зеленой экономики на международном уровне.

Ключевые слова: зеленая экономика, зеленое строительство, окружающая среда, экономический баланс, зарубежный опыт, трансформация, концепция ESG, принципы ESG, парниковые газы, водные ресурсы, электроэнергетика, фотоэлектрические установки.

THE ROLE AND IMPORTANCE OF THE GREEN ECONOMY IN SUSTAINABLE ECONOMIC DEVELOPMENT

Khudoiberdieva Dilafruz

“Navoi Mining and Metallurgical Combine” JSC

Abstract. This article analyzes the risks that threaten the world's population in today's globalization processes, the role and importance of the green economy at a time when production processes are constantly developing, the introduction of the green economy sector into the economy, and measures taken in international experience to finance and effectively use the green economy.

Keywords: Green economy, green construction, environment, economic balance, foreign experience, transformation, ESG concept, ESG principles, greenhouse gases, water resources, electricity efficiency, photovoltaic plants.

Кириш.

XXI асрда саноат корхоналарининг атроф-муҳитга босимининг кучайиши ва ижтимоий муаммоларнинг юзага келиши илғор мамлакатларда ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг ўсиши, янги технологик ютуқлар ва фонд бозори капиталлашувининг ошиши билан параллел равишда содир бўлмоқда.

Яшил иқтисодиёт ресурс тежамкор технологияларни жорий этиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш, экологик тоза ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали иқтисодий ўсиш билан бирга атроф-муҳитни асрашга хизмат қилади. Бу эса аҳоли саломатлигини яхшилаш, янги иш ўринлари яратиш ва келажак авлодлар учун табиий бойликларни сақлаб қолиш имконини беради. Айниқса, ривожланаётган давлатлар учун яшил иқтисодиётга ўтиш иқтисодиётни диверсификация қилиш, ташқи хавф-хатарларга бардошлиликни ошириш ҳамда узоқ муддатли барқарор ривожланишни таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Шу боис, барқарор иқтисодий ривожланишда яшил иқтисодиётнинг ўрни ва аҳамиятини ўрганиш, унинг назарий ва амалий жиҳатларини таҳлил қилиш бугунги кунда илмий ва амалий жиҳатдан ниҳоятда долзарбдир.

Адабиётлар шарҳи.

Ушбу мақолада барқарор иқтисодий ривожланишда яшил иқтисодиётнинг ўрни ва аҳамияти келтирилган. Мавзу доирасида олиб борилган тадқиқотлар ва илмий изланишлар ўрганиб чиқилди. Шу жумладан Гурьева (2015) томонидан олиб борилган тадқиқотларида “Яшил” иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида мамлакатда атроф – муҳитга ўз салбий таъсирини кўрсатганлик учун жарималарни; атроф муҳитга етказилган зарарни тиклаш амалиётини жорий этиш ҳамда захарли моддаларни чиқаришни камайтириш зарурлигини келтириб ўтган. Буневич ва Горбачевалар (2022) тадқиқот ишларида “Яшил молия”, Яшил инвестициялаш” тушунчаларга илгари сурган. Атрофмуҳитни муҳофаза қилиш ишларини амалга ошири молиявий маблағ талаб қилади. Шу боис, ушбу тадбирларни амалга оширишда “Яшил” молиялаштириш тизимини яратиш муҳим аҳамият касб этади. Иқтисодчи олимларимиз Иминов, Ваҳобов, Тешабоевлар (2019) ўз тадқиқотларида “Яшил” иқтисодиётга ўтишнинг илғор хорижий мамлакатлар тажрибалар ҳамда саноатни соҳасидаги экологик муаммоларни ўрганиб, ушбу муаммоларни ечими сифатида қайта тикланадиган энергия манбаларини ишлаб чиқариш, углерод чиқиндиларини камайтириш, энержия тежамкорлигини таъминлаш буйича илмий тавсиялар ва амалий ечимлар келтирилган.

Тадқиқот методологияси.


Ушбу мақоланинг назарий ва услубий асоси сифатида умумиқтисодий адабиёт ҳамда илмий мақолалар, иқтисодчи олимларнинг барқарор иқтисодий ривожланишда яшил иқтисодиётнинг ўрни ва аҳамияти буйича маҳалий амалиёт ва хорижий далатлар тажрибалари масалалари буйича изланишлари, уларнинг ёзма ва оғзаки фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган. Мавзунини ўрганиш жараёнида умумиқтисодий усуллар билан бир қаторда маълумотларни тизимлаш буйича махсус ёндашувлар, яъни таққослаш, назарий ва амалий материалларни жамлаш ҳамда тизимли таҳлил каби усуллар қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Дунё мамлакатлари тажрибасида ҳудудларни барқарор ривожлантириш уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик тизимларни ўзаро боғлиқликда ўрганишни тақозо қилади. Бу ўрганиш ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этишни, барқарор иқтисодий ривожлантиришни таъминлашни ўзида акс эттирувчи бошқарув қарорларини тўғри ташкил этишни назарда тутаяди.

Яшил иқтисодиёт экологик фойда келтириш билан бир қаторда экологик имкониятларни ҳам келтириб чиқаради. Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда яшил иқтисодиётга ўтиш катта молиявий ресурсларни талаб қилади.

Дунё иқлим ўзгаришига мослашар экан, эски технологиялари ва ифлослантирувчи саноатлар юқори харажатлар ва тартибга солувчи тўсиқларга дуч келиши мумкин, бу эса “яшил алтернативларни” излашни талаб қилади. Бугунги кунда кўплаб фондлар келажакда юқори даромад олиш умидида ушбу муқобил инвестицияларни қидирмоқда.



1-расм. “Яшил иқтисодиёт” хусусиятлари

Яшил молиялаштиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади.

— қайта тикланадиган манбалардан фойдаланган ҳолда энергия яратиш ва ишлаб чиқариш. Қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишга асосланган электр энергияси ишлаб чиқариш жисмоний шахслар, корхоналар ва давлат учун кўшимча сармоя манбаларини яратади.

— гидроэнергетика салоҳиятидан фойдаланиш. Сув асрлар давомида қайта тикланадиган энергиянинг асосий манбаи бўлиб келган. Гидроэнергетика соҳаси электр энергияси ишлаб чиқаришнинг энг иқтисодий усули ҳисобланади.

— шамол энергияси қайта тикланадиган энергиянинг энг тез ўсиб бораётган манбаларидан бири бўлиб, унинг ҳажми сўнгги йигирма йил ичида 75 баробар ошди

— қуёш энергияси. Қуёш энергиясининг салоҳиятини амалга ошириш фақат қуёш панелларини ишлаб чиқариш ва ўрнатиш орқали мумкин.

— чиқиндиларни камайитириш ва қайта ишлаш. Чиқиндиларни қайта ишлаш одатий амалиётга айланди. Замонавий одамлар қоғоз, металл ва шишани қайта ишлаш ва қайта ишлатиш мумкинлигини, ишлатилган ёғ, батареялар, уяли телефонлар,

компьютерлар ва ҳатто автомобил қисмлари иккинчи ҳаёт топиши мумкинлигини тушунишади. Чиқиндиларни утилизация қилиш ва қайта ишлашни амалга оширадиган тадбиркорлик корхоналарини яратиш зарур.

— муқобил қишлоқ хўжалиги. Қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик, айниқса, қишлоқ хўжалиги ўғитлари ва пестицидларнинг атроф-муҳитга таъсирини ҳисобга олмаганда, карбонат ангидрид чиқиндиларининг асосий манбалари ҳисобланади. Органик деҳқончилик орқали қишлоқ хўжалигининг экологик изини камайтиришнинг бир неча йўли мавжуд.

“Яшил” иқтисодий шакллантириш ва унинг барқарор ривожланишига ўтиш глобал даражада ҳам, Ўзбекистон учун ҳам устувор вазифалардандир. Барқарор ривожланиш концепцияси инсоният келажаги учун муҳим манба бўлиб, у БМТнинг қарор ва ҳужжатларида ўз ифодасини топган. Барқарор ривожланишнинг иқтисодий-экологик асоси бу “яшил” иқтисодий шакллантириш ва ривожлантиришдан иборатдир.

Ўзбекистон Марказий Осиёда биринчиларидан бўлиб яшил иқтисодийга ўтиш йўналишларини белгилаб олди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодийга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-436-сон қарори билан Ўзбекистон яшил иқтисодийга ўтиш мақсадлари белгилаб олинди.

Мазкур қарорга асосан 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодийга ўтиш стратегияси доирасида “яшил” ва инклюзив иқтисодий ўсишни таъминлаш борасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ҳамда иқтисодийнинг барча тармоқларида ресурсларни тежашни янада кенгайтириш борасида аниқ мақсадлар белгиланган бўлиб, “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида “яшил” иқтисодийга ўтиш ва “яшил ўсишни таъминлаш” дастури қабул қилинди. Шунингдек, иссиқхона газларини ЯИМга нисбатан аввалги йиллардаги даражага нисбатан 35 фоизга қисқартириш, қайта тикланувчи энергия манбаларининг ишлаб чиқариш қувватини 15 ГВтга ошириш, иқтисодийнинг барча тармоқларида сувдан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш мақсад этиб белгиланди.

2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида “яшил” иқтисодийга ўтиш ва “яшил” ўсишни таъминлаш бўйича 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот бирлигига тўғри келадиган энергия ҳажмини 30 фоизга камайтириш (2021 йилга нисбатан), саноатда электр энергияси истеъмоли, умумий истеъмолдаги улушини 20 фоизга камайтириш, қайта тикланувчи энергия манбаларининг электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улушини 30,5 фоизга кенгайтириш (*гидроэнергетика билан бирга*), “Яшил макон” лойиҳаси доирасида шаҳарлардаги яшил майдонларни 30 фоизга кенгайтириш (*аҳоли пунктининг умумий майдонига нисбатан*) кўрсаткичлари белгиланди.

Муҳтарам юртбошимиз Ш.М.Мирзёев белгилаб берган аниқ мақсад ва йўналишлар орқали мамлакатимизда бутун дунёни ташвишга солаётган глобал муаммоларга яшил иқтисодийга ўтишнинг энг самарали ечими сифатида қаралди. Мамлакатимизнинг яшил тараққиёт сари олға қадам ташлаб бошлади.

Яшил иқтисодийга ўтишда нафақат энергетика соҳаси балки, тоза ичимлик суви муаммоларини бартараф этиш, озик-овқат хавфсизлиги, қишлоқ хўжалигида инновациялар, барқарор яшил шаҳарчалар, яшил бинолар, чиқиндиларни қайта ишлаш орқали улардан оқилона фойдаланиш, ўрмон ҳудудларини кенгайтириш орқали яшил


майдонларни кўпайтириш, чўлларни қисқартириш каби чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилади.

Бунинг натижасида давлат билан бир қаторда жамиятнинг ижтимоий аҳамияти ижобий томонга ўзгаради. Яшил технологияларнинг жорий этилиши натижасида аҳоли турмуш даражаси яхшиланади, атроф муҳитга таъсир этувчи субъектив ҳолатлар ижобий томонга ўзгаради, умр кўриш давомийлиги ошади, ўлим ва касалланиш даражаси қисқаради.

Иқтисодиётнинг драйвери ҳисобланган кон металлургия саноати корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнидаги анъанавий техника ва технологияларнинг анча қисми эскирганлигини ҳисобга олган ҳолда, уларни яшил технологияларга ўтказиш самаралироқ ҳисобланади.

Навоий кон-металлургия комбинати йирик тармоқларни ўзи ичига олган йирик саноат класстери ҳисобланади. Унинг таркибида геология, металлургия, энергетика, транспорт, маҳаллийлаштириш, қурилиш каби соҳаларнинг ҳар бирини ривожлантириш дастурлари доирасида кенг қамровли амалий ишлар, йирик инвестицион лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Яшил иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан бири бўлган қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланиш юзасидан амалий ишлар амалга оширилди. 2020-2023 йилларда комбинат таркибий бўлинмаларидаги маъмурий биноларни электр энергияси билан таъминлаш учун умумий қуввати 1450кВт бўлган фотоэлектр станциялари ишга туширилди. Ушбу фойдаланишга топширилган фотоэлектр станцияларида йилига 2,2 млрд.сўмлик 2 175 млн.кВт*соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. 2024 йилнинг ўзида эса умумий қуввати 5750 кВт бўлган фотоэлектр станциялари ишга туширилди. Фотоэлектр станцияларида йилига 8,6 млрд. сўмлик 8,6 млн.кВт*соат электр энергияси ишлаб чиқарилади.



2-расм. 2020-2023 йилларда НКМК АЖда ўрнатилган ФЭСлар (кВт)

Бугунги кунда “НКМК” АЖда фотоэлектр станцияларининг умумий қуввати йилига 10,8 млн.кВт*соат электр энергияси ишлаб чиқариш билан 7200 кВтни ташкил этмоқда.

Хулоса ва таклифлар.

Хар қандай ўзгаришлар даврида давлат ва жамият олдида ҳал этилиши муҳим саналган бир қатор қийинчиликлар юзага келади. Яшил иқтисодиётга ўтишда қуйидаги тадбирларни белгилаб олиши таклиф этилади:

- ✓ яшил иқтисодиётга ўтишда давлат томонидан қонунчилик ҳужжатларининг, яшил энергия ресурсларидан фойдаланиш тарифларини аниқ белгилаб олиш;
- ✓ кадрлар малакасини ошириш;
- ✓ давлат томонидан яшил технологияларни жорий қилишда имтиёз ва преференциялар бериш;
- ✓ аҳоли орасида яшил иқтисодиёт бўйича тушунча, билим ва маданиятни ошириб бориш, ёш авлодга дастлабки улғайиш давридан бошлаб яшил иқтисодиёт ҳақида билимини шакллантириб бориш.

Адабиётлар/Литература/References::

Гурьева, М.А. & Наймушина Д.В. (2015). «Зеленая экономика» в России. Теория и практика общественного развития, (7), 5859.

Буневич К.Г., Горбачева Т.А. (2022). «Зеленые» тенденции в развитии мировой финансовой системы. Вестник московского университета. Им.С.Ю.Витте. Серия 1. Экономика и управление. No1 (40) 52-60 Эл. журнал (cyberleninka.ru)

Иминов Т.К., Ваҳобов А.В., Тешабоев Т.З., Бўтабоев М.Т. (2019). «Зелёная экономика» как основа устойчивого развития. Монография. Т: «Алоқачи», 480.

Қарор (2019). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4477-сон қарори

Қарор (2022). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг яшил иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-436-сон қарори

Фармон (2023). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида”даги ПФ-158-сон Фармони

Фармон (2025). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”даги ПФ-16-сон Фармони